

**“Ўзтрансгаз” АЖ Комплаенс-назорат бўлими томонидан
2024 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан**

УМУМИЙ ҲИСОБОТИ

Комплаенс-назорат бўлими томонидан ҳар чоракда ва йил якуни бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сонли қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ташкил этилган e-antikor.uz платформасининг 1-модулига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2022 йил кунги ПҚ-240-сонли “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф етиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорига асосан хавф-хатарларни баҳолаш тартиблари амалга оширилди ва e-antikor.uz платформасининг 2 модулига маълумотлар жойлаштирилди.

Баҳолаш жараёнида жами **32** та шундан **15** та юқори жумладан (Марказий ишлаб чиқариш диспетчерлик департаменти, Персонални бошқариш департаменти, Марказий бухгалтерия, Моддий-техник таъминот кооперацион алоқа (маркетинг) ва тендер савдоларини ташкил қилиш бўлими, Лойиҳалаштириш ва капитал қурилиш департаменти, Метрология департаменти ва Автотранспорт ва махсус техникани бошқариш департаменти) ва **17** та (капитал қуйилмаларни назорат қилиш, қурилиш объекларининг манзилли рўйхатини шакиллантириш, лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва харид қилинган товарларни қабул қилиш) урта даражали хавф-хатар аниқланган ва уларни бартараф етиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда e-antikor.uz платформасига маълумотлар қайта жойлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Коррупсияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда хавф-хатарлар харитаси тасдиқланди.

Ҳисобот даврида ишга янги қабул қилинган 30 нафар ходимдан ва юқори лавозимга тайинланган ходимлардан манфаатлар тўқнашуви декларацияси олиниб таҳлил қилиниб, таҳлил жараёнида манфаатлар тўқнашуви аниқланмади. Ушбу номзодларнинг ҳужжатлари кўриб чиқилиб, текширувлардан сўнг ишга қабул қилинган ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички тартиб-таомиллар билан таништирилган.

Жамият томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган барча ҳужжатлар ходимлар томонидан мустақил ўрганишларини таъминлаш мақсадида мазкур ҳужжатлар Жамиятнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган.

Жамият томонидан тузиладиган барча хўжалик шартномаларига коррупцияга қарши курашиш шартлари киритилган. Текширувлар давомида жами **73 та контрагентлар** текширилиб, шундан **5 та контрагентларда манфаатлар тўқнашуви ҳолати аниқланганлиги** (ДУ80Л1 русумли ГТДларни таъмирлаш хизмати хариди юзасидан “TexStroyBiznes” MChJ ва “First-Class Builder” MChJ ҳамда МГҚ капитал таъмирлаш ва авариявий захирани тўлдириш учун 1020х 11мм ўлчамдаги 3801,42 тонна ва 1220х 12мм ўлчамдаги 607.02 тонна пўлат кувурлар хариди юзасидан “Sumec International Technology” Co., Ltd, “Jason Energy Technologies” Co., Ltd ва Yantai Jereh Petroleum Equipment & Technologies” Co., Ltd)ларга сабабли салбий ҳулоса берилган ва тендер савдоларидан чиқариб юборилган.

2024 йил давомида “Ўзтрансгаз” АЖ Комплайенс-назорат бўлими томонидан жами **20 та** ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан муурожаатлар кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган муурожаатларнинг 1 таси қаноатлантирилди, 2 таси бўйича хизмат текшируви ўтказилган, 1 таси қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилган ва 16 таси бўйича тушунтириш берилган.

2024-йилда ишчи ходимлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган турли кўринишдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, ўзига ишониб топширилган моддий бойликларни талон-торож қилиш орқали Жамиятга етказилган зарарларни қоплаш мақсадида **21 та хизмат текширув** тадбирлари ўтказилди.

Ҳисобот даврида Жамият манфаатларига етказилган зарар миқдори **77,7 млрд. сўмни** ташкил қилиб, шундан **13 млрд. сўм** пул маблағлари бўйича 2024-йил 19-июл кунидан Тупроққалъа туман ИИБ ҳузуридаги ТГ томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **169-моддаси 4-қисми “а” банди** билан 332221/2024/33-сонли жиноят иш кўзғатилиб тергов ҳаракатлари олиб борилаётганлиги ва тергов натижаси бўйича ходимларга тегишли интизомий чоралари кўрилиши қайд қилиб ўтилди. **44,9 млрд сўм** пул маблағлари бўйича 2024 йил 8 август кунини тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматига юборилган **18,3 млрд сўм** пул маблағлари бўйича 2024 йил 14 декабр кунини тўпланган ҳужжатлар Бош

прокуратурага юборилди. **978 млн. сўм** пул маблағлари Жамиятга қайтарилиб, **552 млн. сўм** Хоразм вилоят прокуратураси депозит ҳисобида ундирилди. Хизмат текширувлари натижалари бўйича тўпланган материаллардан жами **15 таси** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга тақдим қилинган ва ушбу материаллар асосида олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида **7 нафар** ходимга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Шунингдек, **32 нафар** ходимларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасига асосан **интизомий жазо чораси** қўлланилди.

Комплаенс-назорат

бўлими бошлиғи в.в.б.



Ж.Холмурзаев